

Аллоҳга итоаткорликда эса Парвардигори оламнинг ҳаққини адо этиш, бандалик вазифасини бажариш маънолари бор.

Нафақа қилувчиликда, мол сарфлашда сахийлик, молга сиғиниш дардларидан халос бўлиш, одамлар ўртасида инсоний биродарлик бурчларини адо этиш маънолари бор.

Саҳарларда мағфират сўровчилик эса энг гўзал ва соф паллада Аллоҳ таолога дардини очиб солишдир.

Мазкур сифатларга эга бўлган одамлар учун барча нозу неъмат, роҳат-фароғат устига Аллоҳ таолодан розилик ҳам бор.

Саҳар чоғида қалб мусаффо, руҳ тинч бўлади, у вақтда бедор бўлишнинг ўзи катта фазл ҳисобланади. Боз устига, у вақтда истиғфор айтиш бандани юксак мартабаларга эриштиради.

Улуғ саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳу кечаси намоз ўқиб бўлиб, хизматчиларидан: «Эй Нофееъ, саҳар кирдимиз?» – деб сўрар эдилар. Агар Нофееъ «Ҳа», – деса, тонг отгунча дуо ва истиғфор билан машғул бўлар эдилар.

Ушбу суранинг аввалидан ҳозирги оятигача Аллоҳнинг тавҳиди – ягоналиги ва Унинг ибодатга сазоворликда, бандалар устидан қоимликда ҳам ягона Ўзи ҳақдор экани, илоҳий китоб ва пайғамбарликларнинг ҳам манбаи бир экани ва бу ҳақиқатларга одамларнинг муносабати ҳақида сўз борди.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди